



ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Танловлар

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

«Келажак овози» республика иқтидорли ёшлар танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда 2005 йилдан буён ўтказиб келинадиган ушбу танлов орқали ўзини намойиш этиш истагини билдирган ёшлар сони жорий йилда 84 326 тани ташкил қилди. Пойтахтдан 14 000 та анкета топирилган бўлиб, шаҳар босқичига 1100 нафарга яқин йигит-қизлар етиб келишди.

Бир қатор олий ўқув юртли-ри, Ўзбекистон Бадий академиясида ёшлар танловининг турли номинациялари, яъни архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалари, менежмент, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш бўйича таклифлар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби жами 15 та йўналиш бўйича ўз қобилият ва маҳоратларини намойиш этдилар.

— Танловга миллий каштачилик услубида тайёрланган сўзана, палак, белбоғ, рўмол сингари йигирмадан зиёд чеварлик ишларимни тақдим этдим, — дейди Тошкент Ахборот техно-

логиялари университетининг учинчи курс талабаси Н. Ёркулова. — Айни пайтда кўп миң йиллик тарихга эга миллий каштачилик мактаблари ҳақида атрофлича маълумот берувчи сайт ҳам яратдим. «Келажак овози» каби ижодий лойиҳалар биз ёшларни камолот сари етаклаб, орзуларимизга қанот бўлмоқда.

Айтиш жоизки, ушбу танлов иқтидорли ёшларнинг турли соҳага оид лойиҳалари, ижодий фаолиятларини атрофлича ўрганиб, ҳаётга таътиқ этиш, уларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Республика босқичи ғолиблари келгусида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, танловнинг Жамоатчилик кенга-

ши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда олийгоҳда таълим олиш учун шартнома пули қопланадиган микдорда таълим гранти (абитуриентлар учун) ёки махсус «Келажак овози» стипендияси (талабалар учун) қўлга киритадилар. Ғолибларнинг халқаро фестивал ва дастурларда иштирок этишларида қўмаклашिलाди, патент олиш, кўргазмалар ва бошқа бадий тадбирлар ташкил қилишда яқиндан ёрдам берилади.

Икки кун давом этган танловда 45 нафар энг истеъдодлилар ғолиб деб топилди ҳамда финал босқичида қатнашишга йўлланмани қўлга киритишди.

Шахноза КУДРАТХҲАЕВА

БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташир буюрган Буюк Британия Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик масалалари бўйича катта давлат вазири Саида Варси 12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашувда Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик кўлаб соҳаларда изчил ривожланаётгани, мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Саида Варсининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан ўтказган музокарасида парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Меҳмонга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

— Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланаётди, — деди Саида Варси. — Бунга Ўзбекистонда британиялик сармоядорлар иштирокида тузилган қатор қўшма корхоналар фаолияти яхши мисолдир.

ёшлар қўлида» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги умумтаълим мактаб ўқув-

чиларининг ёзги таътиллари мазмунли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Давлат санъат музейига экскурсия уюштирилади.

✓ **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги 578-сонли мактабгача таълим муассасасида «Она

шаҳрим билан бирга улғайиб, ўсаётганим — бу mening бахтим» мавзусида экологик маратон ўтказилади.

Франция тўқимачилик саноати кенгаши бош ассамблеяси томонидан ўтказилган йиғилишда «Ўзбекентилсаноат» акционерлик компанияси, Ўзбекистон модельерлари ва дизайнерлари ассоциацияси ва «Шарқ либослари» дизайн марказининг бир гуруҳ вакиллари иштирок этди. Мажлисида тўқимачилик саноати вакиллари ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган музокаралар бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ:

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз вакиллари ўзбек-француз кооперация биржаси ва Ўзбекистон тўқимачилик индустрияси тақдимот маросимида иштирок этишди. Тадбирда француз тўқимачилик индустриясининг 150 дан ортиқ вакиллари қатнашди. Вакилларимиз иштирокчиларни республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар ва чет эл инвесторлари учун яратилаётган имтиёзлар билан таништирдилар.

Ўзбекистон делегацияси Франция эркаклар кийими, Тайёр аёллар кийимлари федерациялари, Модалар институти, Academie Internationale de Coupe de Paris моделестлар олий мактаби фаолияти билан яқиндан танишдилар.

«Жаҳон» АА хабарига кўра, юртдошларимизнинг Ўзбекистон тўқимачилик соҳаси ривожини, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ҳамда «Осий рамзи» Ўзбекистон моделерлар ассоциациясининг фаолияти, шунингдек, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Style.Uz мода ва санъат ҳафталиги мавзусидаги кўргазмалар чиқишлари маҳаллий мода индустрияси вакилларида қизиқиш уйғотди.

Франция тўқимачилик саноати кенгашининг президенти Ив Дюбейф Ўзбекистон ҳақида илиқ фикрлар билдириб, мамлакатимиз дунё бўйича пахта экспорти ва саноат соҳасида ҳам юқори сифатли мато ишлаб чиқариши билан француз компанияларида қизиқиш уйғотаётганини эътироф этди.

Франция енгил саноат ва тўқимачилик соҳаси мутахассислари Ўзбекистоннинг миллий матолари, ҳозирда урф бўлган замонавий кийим турлари, саноат соҳасидаги ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлишди ва келажакда ҳамкорлик қилишга истак билдиришди.

Мавлуда МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Саида Варси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолигини янада ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашувини тақомиллаштириш, бу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Буюк британиялик меҳмон мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Буюк Британия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Молия ва Мудофаа вазирликларида ҳам музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган мазкур анъанавий тадбир ёшларни истиқлол ғоялари ва Ватанга муҳаббат руҳида, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, турли ёт ғоя ва мафкура-лар таъсиридан асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

● Бухорода маҳаллаларнинг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг «Электр таъминоти ва энергия самарадорлигини яхшилаш» грант лойиҳаси доирасида қўёш батареяси орқали сув қиздирувчи коллектор ва тежамкор сенсорли лампалар ўрнатилди. Тиббиёт марказига ўрнатилган тежамкор электр таъминоти ускуналари замонавий усулда барпо этилган 60 ўринли хирургия мажмуасини муқобил электр энергияси ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

● Нурота туманида болалар ва катталар учун замонавий дизайндаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди. Ишлаб чиқариш цехлари хорижий замонавий тикув дастгоҳлари, дазмоллаш ва пресслаш ускуналари билан жиҳозланди. Натижада «Nurota textile» масъулияти чекланган жамиятида 80 нафар хотин-қизнинг иш билан бандлиги таъминланди.

● Шовот туманида 83 нафар коллеж битирувчиси тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Уларга молия муассасаларидан кам фоизли кредитлар ажратилди. Эндиликда бу ёшлар чорвачилик, тикувчилик, қандолатчилик, гулчилик, сартарошлик, телекоммуникация хизматлари каби бир неча ўнлаб соҳаларда ўз бизнесларини ривожлантиришмоқда.

ЖАҲОНДА

● Апрель ойида бинонинг қулаб тушиши натижасида 1100 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган Бангладешдаги Rana Plaza фабрикасининг ишчи-хизматчилари ҳукуматдан компаниянинг ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ходимларининг рўйхатини эълон қилишни талаб этдилар.

● АҚШнинг энергетик ахборот босқармасининг маълумотларига кўра Россия 75 миллиард баррел ҳажмидаги ресурсларга эга бўлган ҳолда жаҳонда сланец нефть захиралари бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ушбу нефть захиралари бўйича АҚШ ва Хитой кейинги ўринларда бормоқда.

● Дубайда жаҳондаги энг баланд спирал шаклидаги иншоот ўз эшикларини очди. Ушбу 75 қаватли бинонинг баландлиги 310 метрдан иборат. Қурилиши етти йил давом этган мазкур лойиҳани ҳаётга таътиқ этиш учун 274 миллион долларлик маблағ сарфланди.

● Экспертлар Ер орбитасидаги само кенгликлари миллион тоннага яқинлашиб қолган «самовий чиқинди»лардан тезда тозалаш лозимлиги ҳақида бонг урмоқдалар. Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, шу кунларда орбитада ҳажми 1 миллиметрдан сал каттароқ бўлган космик аппарат синиқлари сони 170 миллиондан ортиқдир. Уларни йиғиб олиш ва хавфсиз ҳудудга элтиш муаммо бўлиб турибди.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида «Ватан тараққиёти

